Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
13 ОКТЯБРЬ 1970 й
СЕШАНБА
№ 242 (6111).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

◆ Франция Республикасининг Президенти Жорж Помпиду 12 октябрда мамлакат бўйлаб қилган сафаридан Москвага қайтиб келди. Ҳурматли меҳмон билан бирга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳам пойтахтга қайтиб келди.

◆ Тошкентда «Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида саноат хизмати ва институтларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» проблемаси юзасидан халқаро семинар очилди. Бу семинар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш юзасидан махсус тузилган муассасаси (ЮНИДО) томонидан ўтказилмоқда.

12 октябрда биринчи мажлисда семинарни ўтказиш ташкилот комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари Ш. А. Ҳўжаев чет эллик меҳмонларни табриклади. У республикада саноатнинг ривожланиши тўғрисида сўзлаб берди.



Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи ташкил топганига яқинда 70 йил тўлди. КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган завод коллективи маҳсулот реализация қилиш йиллик планини СССР Конституцияси Кунига бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: заводнинг илғор ишчиси, ишлаб чиқариш нормасини ортиғи билан адо этаётган прессчи Зинаида Подкулина.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — амалда

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

Янги конструкцияда

Бу йилги «оқ олтин» ҳосилининг жуда кўпи машиналарда йиғиб олинмоқда. Пахта далаларида «зангори кема»лар кетидан подбор териш машиналари ишга тушди. «Узбексельмаш» заводида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги «ПХП-1,8» маркали подбор териш машинаси ўзининг такомиллаштирилганлиги, унумли ишлаши билан механизаторларга жуда қўл келмоқда.

Пахтаорол районидаги «Комсомол» совхозининг Раим Қўзиев бошчилик қилаётган иккинчи бўлими октябрь ойининг бошларидаёқ давлатга пахта сотиш йиллик планини бажарган эди. Бўлим пахта далаларида янги подбор териш машинасидан ўнтаси ишга туширилди. Машиналар биринчи куниёқ эллик гектар ердаги тўкилган пахтани териб олди. Машина бункерларидан бир тоннага етказиб пахта тўкилмоқда.

Механизаторлар янги машинага баҳо бериб, унинг қимматли томонини аниқлаб бердилар. Хас-хашак ва тупроқ аралашган тўкилган пахталарни бу машина тозалаб теради. Шундан кейин терилган пахта кўрак чувиш машинасидан бир марта ўтказилгач, уни тайёрлов пунктига жўнатиш мумкин.

Мухбиримиз «Узбексельмаш» заводининг бош инженери И. Денисенкога мурожаат қилиб, шундай юқори техника ишлаб чиқаришга қандай эришилганлиги ҳақида гапириб беришни сўради.

— Машинасозларимиз пахтакор колхоз ва совхозларга янги техника етказиб бериш йўлида доимий равишда ижодий иш олиб бормоқдалар. Илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида коллективимиз такомиллашган машиналар ишлаб чиқаришга эришди. Худди шу тадбирларнинг амалга оширилиши билан ленинча бешйилликда ўн тўрт мингдан кўп подбор териш ҳамда ўн бир минг беш юз кўрак чувиш машинаси ишлаб чиқарилди. Завод олдинги беш йилликларда ҳеч қачон ана шунча машина ишлаб чиқармаган эди.

— Деҳқонларнинг ортиб бораётган талабига «ПХ-1,2» подбор териш ҳамда «УПХ-1,5А» кўрак чувиш машиналари жавоб бермай қолди. Шунинг учун ҳам бу машиналарни ишлаб чиқармайдиган бўлдик. Булар ўрнига «ПХП-1-2» ва «ПХП-1,8» подбор териш машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда корхонамизда биронта ҳам эскирган конструкцияда машина ишлаб чиқарилмаяпти.

Корхона коллективи партия томонидан қўйилган қишлоқ хўжалигини бундан буён ҳам юксалтириш тўғрисидаги вазифага амал қилиб, машиналарнинг чидамлилиги ва унумлилиги устида бир қанча ишларни амалга оширди. Бунда машиналарнинг агротехника кўрсаткичига ҳамда уларни арзон нархда ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги йилларда пахтачилик бўйича машинасозлик Давлат махсус конструкторлик бюросининг ҳамкорлиги билан машиналарнинг сифатини, иш унумини оширишга қаратилган 250 дан ортиқ конструкция ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Машинасозлар пахтачиликни комплекс механизациялаш проблемасини ҳал этиш йўлида бундан буён ҳам ижодий изланишни давом эттирадилар.

МАШИНАСОЗЛАР ДАЛАДА

Ўзбекистон трактор йиғув заводининг коллективи республикамиз ва қардош пахтакор республикалар деҳқонлари учун қишлоқ хўжалиги техникаларя тайёрлаб бермоқда. Завод аҳли дала меҳнаткашлари билан «Ўроқ ва Болға» иттифоқини қадимдан мустаҳкамлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам ишчихизматчилар ўтган икки кунлик дам олиш кунини қишлоқ хўжалик ходимлари билан бирга пахта далаларида ўтказдилар. Машинасозлар дам олиш кунларида 2-«Пскент» совхозига ёрдамга боришяпти. Машинасозлар мавсум бошидан буён совхоз хирмонига ўн беш тоннадан знёд «оқ олтин» тўкдилар.

Бундан ташқари заводнинг юз кишилик коллективи Еттисой районидаги оталиққа олинган «Қизил юлдуз» совхози ишчиларига ёрдам бермоқда. Завод Сирдарё ва пойтахт область пахтакорлари учун иккита кўчма устахона ташкил қилди ва жойларга юборди.

Машинасозлар тўқиз ойлик планга қўшимча тракторлар ҳамда бошқа хил қишлоқ хўжалик техникалари учун 2 миллион сўмликдан знёд эҳтиёт қисмлар ва бир қанча редуктор ишлаб чиқарди.

ЕР ОСТИ ҚУВУРЛАРИ

Салор соҳилларининг ёнидан ер остига тушадиган йўл бор. У ерда Тошкент инженерлик қурилиши трестининг тоғ-проходка бошқармасига қарашли 3-участка механизаторлари қувур ётқизишмоқда. Узунлиги ўн километрга яқин келадиган қувур битгач, ундан чиқинди сувлар оқизилади. Шунингдек, Қўйлиқ, Қорасув коллекторларда ҳам шу трестнинг механизаторлари, инженер ва техниклари иш олиб боришмоқда.

Зилзиладан кейин тузилган бу трест олдига ер ости инженерлик иншоотларини ўтказиш; йўл ва йўлкалар қуриш; қувурлар ётқизиш вазифаси қўйилган эди. Янги ташкилот вазифани яхши бажарди. Йил сайин трест ишлаб чиқариш, қурилиш монтаж ишларининг планини ортиғи билан бажараётганлиги бундан далолат бериб турибди.

Трест коллективи юбилей йилида олган юксак мажбуриятларни ҳам муддатидан олдин бажариш учун барча ихтисослашган бошқарма ва участкаларда социалистик мусобақани кучайтириб юборди. Айниқса, беш йиллик топшириқларни бажаришда катта натижаларга эришилмоқда. Бу ҳақда трест бошқарувчиси ўртоқ А. Абдуқодиров бизга телефон орқали қуйидагиларни маълум қилди:

— Трестимиз коллективи биринчи октябрдан бошлаб келгуси йил ҳисобига ишлай бошлади. Сентябрь ойида беш йиллик план муддатидан уч ой олдин бажарилганлиги ҳақида рапорт бердик. Утган вақт мобайнида 61 миллион 639 минг сўмлик ҳар хил инженерлик иншоотлари қурилди. Коллективимиз ички имкониятларни ҳисобга олиб, беш йиллик планга қўшимча яна 4 миллион 300 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятларини олди. Ҳозир барча эътибор шунга қаратилган.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

«Главташкентстрой» корхоналарида ва қурилиш трестларида турли касблар бўйича конкурслар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Бундай конкурслар турли касб эгаларининг маҳоратини намойиш қилишгина қолмай, уларнинг тажрибасини оммалаштиришда ҳам катта роль ўйнамоқда.

Яқинда қурилиш механизацияси трестида ҳам шундай конкурс ўтказилди. Конкурсда беш йиллик ва йиллик планларини аллақачон бажариб, 1971—1972 йиллар ҳисобига ишлаётган механизаторлар иштирок этишди. Мусобақада минорали кран машинисти Е. Лигай, У. Лошкаров, автокран машинисти Е. Валиев ва экскаватор машинисти Ц. Столба ўртоқлар голиб чиқишди. Буларнинг ҳаммаси кундалик нормаларини 140—150 процентдан бажариш билан ўзларига муносиб шогирдлар ҳам тайёрлашмоқда.

— Механизаторларимиз барча участкаларда партиянинг навбатдаги съездини шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборишди, — дейди трест партия комитетининг секретари Алексей Кузьмич Поздняков. — Ҳозир қаерга борманг, ҳамма ерда шу тўғрида гап юритилади.

КПСС XXIV съезди шарафига

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон олимларининг халқаро ва иттифоқ миқёсидаги обрўйи йил сайин ортмоқда. Бундан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика илмий-текшириш институти олимлари ҳам мустасно эмас. Яқинда институтга чет эл ва иттифоқдош республикалар олимлари келиб институт коллективининг ишлари билан танишдилар ва илмий докладлар қилишди.

Америка геология комитетининг ходимларидан профессор Э. Бейли Американанинг симоб конлари ҳақида, Ч. Роддер ой жинслари таркиби ва тузилиши тўғрисида қилган докладларини геолог-олимлар эътибор билан тингладилар. Янги Зеландиядан келган меҳмон, Маса университетининг профессори Роберт Брукс ўзбек геологлари тўплаган тажрибаларини ўрганиш мақсадида шаҳримизга келди. Шунингдек, у биогеохимия ва геоботаника соҳасида ўзи қўллаган янги методлар билан олимларни таништирмоқчи.

Институтнинг Иттифоқимиздаги илмий муассасалар билан ҳамкорлиги ривожланмоқда. Яқинда Украина ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Н. П. Семененко бошлиқ бир группа олимлар геохимия ва минераллар физикаси институтининг ходимлари келиб, институт ишлари билан танишдилар. Ўзларининг илмий ишлари ҳақида доклад қилдилар. Академик Н. П. Семененко эрамизнинг қадимги (докембрит) тарихи тўғрисида мароқли лекция ўқиди.

Пахтакорларни шод этиб

Ўзбекистон меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг бўлажак XXIV съездини муносиб тўёналар билан кутиб олиш мақсадида ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. 4 миллион 400 минг тонналик улкан хирмонни кўтаришда қалби ғайрат билан тўлиб тошган кексаю-ёш далаларга отланишди.

Сирдарё областининг пахтазорларидаги дурдоналарни йиғиштириб олишда тошкентликлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳашарчилар пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётган бўлсалар, маданият ва санъат ходимлари эса ўз дўстларининг қалбини шод этмоқдалар. Қуйида ана шулар ҳақида хабардар ўқийсиз.

М. ТОШПЎЛАТОВА,
шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи:

— Маданият бошқармаси Сирдарё областига ўн иккита концерт бригадаси; бешта кўчма киноаппарат билан таъминланган автоклублар сафарбар қилди. Уларнинг кучи билан концерт ва томошалар кўрсатилмоқда. Бундан ташқари маданият уйлари ва кутубхоналарнинг ходимлари ўз ҳамкасбларига амалий ва методик ёрдам бермоқдалар.

Пойтахтнинг маданият уйлари бадиий кўргазмали тадбирлар билан пахтакорларга хизмат қилмоқда. Чилонзор район маданият бўлими дала шийпонларини паннолар, транспарантлар билан безамоқда. Айни пайтда кутубхона ходимлари дала шийпонларида кичик кўчма кутубхоналар ташкил қилишяпти.

Х. АБДУНАЗАРОВ,
шаҳар «Билим» жамияти правлениесининг масъул секретари:

— Олимлардан иборат лекторлар группаси Сирдарё областининг кўпгина хўжаликларида қизиқарли мавзуларда 600 га яқин лекция ва суҳбатлар ўтказади. Улар орасида медицина, педагогика, халқаро аҳвол, ижтимоий сиёсий ва илмий мавзуларда лекция ўқийдиган лекторлар бор. Лекторлар группасига Тошкент олий ўқув юртларининг энг қобилиятли ўқитувчилари жалб этилган.

Ш. ФАИЗИЕВ,
шаҳар кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи:


— Кино ходимларимиз пахтакорларнинг оқшом дақиқаларини мазмунли ўтказиш учун пухта тараддуд кўрдилар. «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», «Фестиваль», «Чайка», «Спутник», «Восток», «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номли кинотеатрларнинг ходимлари Сирдарёнинг турли районларига жўнаб кетдилар. Улар йигирмадан ортиқ совхозда икки ой мобойнида бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қиладилар.

И. МУСАБЕКОВ,
Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри директори:

— Кекса санъат даргоҳининг ижодкорлари ҳам азамат пахтакорларга сидқидилдан хизмат қилиш истагини билдирдилар. Шу ойнинг ўзида пахтакорларга драматурглардан Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим», Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» спектакларини намойиш қилмоқдамиз. Пахтакорлар саҳна асарларни жуда ҳам зўр маҳинуият билан қарши олмоқдалар.

Т. ЖУМАЕВ,
М. Қориёқубов номли ўзбек Давлат филармонияси ва эстрадасининг директори:

— Шу йилнинг ўзида филармониянинг концерт бригадалари Сирдарё областида бўлиб, қатор томошалар ва концертлар намойиш этдилар. Ҳозирги энг долзарб кунларда ҳам санъаткорларнинг қўшиқлари қўриқ ерда яна баралла янграмоқда. Филармониянинг хор копелласи махсус программада пахтакорлар ҳузурида бўлди. Бу программадан Совет Иттифоқидаги турли миллатларнинг қўшиқларини ўрин олган. Бундан ташқари концерт бригадаларимиз республиканинг бошқа областларида ҳам бўлиб, пахтакорларга бажонидил хизмат қилмоқдалар.



Экскаватор заводининг машинасозлари беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этмоқдалар.

СУРАТДА: заводнинг тайёр маҳсулот полигонидан янги экскаваторларни темир йўл платформаларига ортиш.

М. Нуриддинов фотолари.

Шаҳримиз янгиликлари

ЗАРБДОРЛАРГА МУКОФОТ

Яқинда тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасида коммунистик меҳнат зарбдорлари слёти бўлиб ўтди. Слётни фабрика партия ташкилотининг секретари А. А. Беляева кириш сўзи билан очди. Бу маросимда ўн беш кишига коммунистик меҳнат зарбдори гувоҳномаси ва нишони топширилди. Унга яқин илғорлар пул мукофоти ва вимпеллар билан тақдирланди. Яна ўндан ортиқ зарбдорларга пул мукофотлари топширилди. Улар орасида М. Ёқубова, М. Юнусов, С. Орипов, Г. Жумабекова сингари пешқадамлар бор.

Келгуси йил ҳисобига

1-троллейбус депоси коллективи шу кунларда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти. Айниқса, 1 ва 10-троллейбус маршрутининг илғор ҳайдовчилари С. Зокиров, М. Юнусов, В. Кучин, Е. Кузьмичева, Х. Проказинлар намуналари ишлари билан ҳамкасбларни орасида обрў қозонмоқдалар.

Депонинг бу машъал ҳайдовчилари беш йиллик планни октябрь ойи бошларида адо этиб, келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ахди—шаҳар аҳлига намунали хизмат қилишдир. Машъалар бошқарган троллейбуслар техник жиҳатдан ҳамиша соз, салонлари эса озода.

Пропагандистлар семинари

Жойларда партия маорифида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, авиация заводи партия комитети ҳам бу соҳада кўзга кўринарли ишларни амалга ошираётир.

Яқинда завод сиёсий маориф кабинетида пропагандистларни н г йиғилиши бўлиб ўтди. Кўп сонли тарғиботчилар иштирок этган бу мажлисда партия маорифида янги ўқув йили бошланиши олдидан қилинадиган ишлар муҳокама этилди. Шундан сўнг, пропагандистлар бошлиғи В. Шафир илк машғулотларни қай тарзда ўтказиш ҳақида сўзлади.

— Бу йилги илк машғулотлар — деди у, — доҳиймиз В. И. Ленинга бағишланади. Биз дастлаб «Ленин ғоялари яшайди ва ғалаба қилади», «В. И. Ленин мутафаккир ва революционер», «Ленинизм — коммунистик жамият байроғи» каби актуал темаларда суҳбатлар ўтказишимиз керак.

Шундан кейин нотиқ В. И. Ленинга бағишланган илк машғулотларни ўтказишда қандай адабиётлар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кераклиги ҳақида батафсил сўзлади.

Семинар машғулотида пропагандистлар янги ўқув йилидаги вазифалар ҳақида батафсил маслаҳатлашиб олишди.

Бизнинг интервью

Олдинда жаҳон биринчилиги

Ўтган якшанба куни Тошкентда СССР Кубоги учун бадиий гимнастика бўйича мусобақаларга якун ясалди. Унинг натижалари ҳақида газеталарда хабар қилинди. Бугун биз мухбиримизнинг мусобақа тугаган заҳоти 1970 йил СССР Кубогининг эгаси Альфия Назмутдиновадан ва унинг мураббийси СССРда хизмат кўрсатган тренер Елизавета Алексеевна Облигинадан олган интервьюларини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Биринчи сўз Кубокнинг бу йилги эгаси, свердловсклик ёш гимнастикачи Альфия Назмутдиновага:

— Ўзбекистон пойтахтига жўнаш олдидан мен бундай катта муваффақиятга эришишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Овчинникова, Засухина, Шуғурова, Карпухина ва бошқа машҳур гимнастикачиларни енга олганимдан беҳад бахтиёрман. Албатта, Совет Иттифоқи Кубогини қўлга киритишимда тренер Елизавета Алексеевна Облигинанинг хизмати катта. Менга унинг жуда кўп меҳнати сингди.

Фахрли совриннинг эгасининг мураббийси эса бундай деди:

— Тошкентда иккинчи марта бўлишим. Биринчи марта 1964 йили, бу ерда бадиий гимнастика бўйича мамлакат биринчилиги бўлганда келган эдим. Утган вақт ичида шаҳрингиз жуда ўзгариб кетибди. Ҳатто, таниёлмай қолдим. 1964 йили чемпионат Свердлов номли театрда бўлган эди. Ҳозир эса ажойиб спорт саройи гимнастикачилар хизматида.

Тошкентликлар н и н г меҳмондўстлигига яна бир карра иқрор бўлдим. Кўп сонли томошабинлар гимнастикачиларни самимий, ҳар бир мураккаб комбинацияни олқишлар билан қарши олдилар.

Ўқувчимнинг муваффақиятидан мен ҳам хурсандман. Альфия бадиий гимнастика билан бундан еттн йил илгари шуғулпака бошлаган эди.


Менимча Альфия етукликка ўтган йили Ленинградда, мамлакат биринчилигида, айниқса, яхши лашди. Ўша йили у учинчи ўринни эгаллади.

Келажакдаги планларимиз нимадан иборат?

Келаси йили Гаванада бўладиган жаҳон биринчилигига пухта тайёргарлик кўришга, албатта мукофотли ўринни эгаллашга ҳаракат қиламиз.

— Елизавета Алексеевна, ўзбек гимнастикачилари ҳақида сиз нима дея оласиз?

— Кубок учун мусобақада иштирок этган икки спортчингиз маҳорат жиҳатдан пешқадамлардан ҳали орқада. Аммо, уларнинг бундай масъулиятли мусобақаларда иштирок этганининг ўзи ҳам республикада бадиий гимнастика юксалиб бораётганидан далолат беради. Ўйлайманки, келажакда улар мамлакатимизнинг энг кучли гимнастикачилари билан рақобатлаша оладилар.



СУРАТДА: СССР Кубоги мусобақаларининг совриндорлари: (чапдан ўнгга) А. Засухина, А. Назмутдинова ва Е. Карпухина.



Шаҳримиз кўчаларида Ленинград трамвай заводида ишланган чиройли трамвай-поезд қатнай бошлади. Яқин келажакда шаҳримиз парклари ана шундай янги трамвай билан тўлдирилади.

СУРАТДА: (ўнгда) янги трамвай.

Ҳаёт қўшиғи

ОЧЕРК

Умрлар бўладики, ҳамиша навқирон, ҳамиша шон-шавкатларга бурканган, абадий. У ҳеч қачон кексайишни билмайди. Оддий бинокор Гараф Фахруддинов ҳам ана шундай шарафли ва машаққатли ҳаёт йўлларини босиб ўтганлардан....

Ҳавозада таништик у билан. Урта бўйли, қирқ беш ёшлар чамасидаги киши қурувчилар билан меҳнат қилмоқда. Унинг бу ёшдаги кундаги иши шундай. Кўз ўнгак остидан зеҳн билан боқиб турган кўзларида ҳаёт жилолари мавжланиб кетгандек бўлади. У бригада аъзоларига иш кўрсатиб, меҳнат жараёнларининг қай йўсинда бажарилаётганлигини кузатади. Арматура симларининг техник ҳолати унинг эътиборидан четда қолмайди....

Объектда иш тугаганда у билан бафурвма суҳбатлашдик. Гараф ака ҳақида жуда кўп ҳикоялар эшитганмиз, газеталарда ўқиганмиз. Мана энди унинг ўзи қалбида бир олам ҳаяжон ва эҳтирос билан ҳикоя қилмоқда... Кўз олдида даҳшатли, нишонч тўла манзаралар, туйғулар жонланди.

— 1941 йилнинг куз ойлари. Фашист дегани муқаддас тупроққа қутурган итдек кириб келди. У вақт биз Украина ерларида истеҳкомда турар эдик. Киев шаҳрини ҳимоя қилиш керак. Бепоён Украина ерлари! Олтин бошоқлар мавжланади... Ҳамманинг чеҳрасида босқинчиларга бўлган ғазаб ва нафратни бир қарашдаёқ пайқаб олиш қийин эмасди.

Житомирда давом этаётган жанглар узоққа чўзилди. Совет солдатлари Ватаннинг бир қарич тупроғини кўз қорачўғидек ҳимоя қилдилар.

Фашистлар Украинанинг юраги — Киевга ҳамла қилмоқда. Урушнинг дастлабки ойлари, фашист самолётлари шафқатсизлик билан ўқ ёғдиради ҳаводан. Биз Киев учун жанг қилдик. Асосий қуролимиз пулемёту, қўл гранатасидан иборат эди. Ҳандақларда сафдош дўстларим тобора сийраклашиб боради. Душман ўқидан ер тишлаётган дўстларимни кўриб, лабимни тишлардим-у, изтироб ва аламдан ёнокларимга тушаётган ёшни тупроққа қоришган енгларим билан артиб, яна олға ташланардим.

Шундоққина биқинимда қаттиқ гумбурлаган овоз қулоқларимни қоматга келтирди. Ўзимни ўнглаб ҳам олмаган эдимки, снаряд парчаси кўкрагимга қадалганини сездим, холос... Кўзимни очганимда, нотаниш саройда ётардим. Тепамда кирпа бурун, кўзлари уккиникига ўхшаш немис офицери турарди. Асир тушганлигимни аниқ пайқадим. Бошим айланиб, кўзим тинди. Фашист қўлида тургани-мдан изтиробга тушдим. Лекин бефойда эди. Қаттиқ тепки мени яна хушёр қилиб қўйди:

— Халт! — дея туришни буюрди немис офицери. Орадан ярим соат ўтган, мени сўроқ қилишди.

— Фамилиянг, исминг?—қичқирди гардони гимнастёркасининг ёқасидан тошиб чиққан офицер.

— Алимов, — жавоб бердим бамайлихотир, тиқимга келган фамилияни айтиб.

— Коммунист? — фашист бу сўзни айтар экан, пешоналаригача буришиб, қулоқлари ҳам қимирлаб кетгандек бўлди назаримда.

— Йўқ!

— Киев истеҳкомида қанча солдат бор? — бақирди яна фашист.

— ...

— Сенга айтаяпман махлуқ, гапир?!

— Ҳисоблаб кўрганим йўқ!.. Беҳисоб...

Офицер жаҳл билан ўрнидан турди-да, қулоқларим остига бир тушурмоқчи бўлиб қўлини кўтарди-ю, аммо ботинолмади. Чунки мен унга тик қараб кулимсираб турардим...

Фашистда одамгарчилик нима қилсин. Инсондаги энг яхши фазилатларнинг тескарисини қилувчи «махлуқлар» деса бўлади. Асирликнинг азоб-уқубатлари менга ўз таъсирини кўрсатиб борарди. Бир йил ичида ўндан ортиқ лагерларда бўлдим. Харбий асирларнинг қийналганини кўрдим. Кўп марта қочишга ҳаракат қилдим-у, лекин натижасиз бўлиб чиқди. Ҳар гал ушлаб келтиришганда, чала ўлик бўлгунимча дўппослашарди. Шундай вақтларда ўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Аммо мен юрагим тўхтаб қолаётган вақтларда ҳам яшашга интилдим, умидсизланмадим. Бепоён Ватаним, меҳр-оқибатли дўстларим кўз олдимдан ўтар-улар менга бардам бўл, ғалаба биз билан, дейишаётгандек бўларди.

1942 йилнинг охирларида мени Висла бўйида жойлашган Демблан концлагерига келтиришади. Бу лагерь ўзининг қатиқ режими билан жаҳонга маълум эди.

Ғира-шира ёруғ тушиб турган зах камерада олти-етти киши бор эди. Бу ерда камерадагилар турма азобларидан озиб-тўзиб кетган касалманд кишига ҳурмат билан қарашарди. Касал киши камерадошларини юпатар, уларни бардам бўлишга чақирарди...

Мен қўшиқни ёшлигимдан севардим. Энг машаққатли кунларда ҳам бир қўшиқни хиргойи қилардим. Кунлардан бирида татар қўшиқларидан бирини хиргойи қилиб ўтирсам, бояги озғин киши кўзларини катта очган ҳолда мен томонга эмаклаб кела бошлади:

— Татармисан? Бу қўшиқни қаердан ўргангансан? — у татар тилида шундай мулойим ва гўзал қилиб гапирдики, кейинги икки йил ичида муқаддас, соф она тилимни биринчи марта эшитишим эди.

— Ая! Мин татар! — шундай дедим-у, бояги кишини қучоқлаб юз-кўзларидан ўпиб олдим.

— Мен Гумеровман? Сен боягина айтган қўшиқ сўзини мен ёзганман. Сенга раҳмат. Мана энди мен қўшиқ ёзаман, сен уни баралла айтаверасан...

Кейинчалик камерадошлардан билдим, бояги йигит машҳур татар шоири Мусо Жалил бўлиб, душман билиб қолмасин учун ўзга ном билан юраркан. Мусо билан ўша дастлабки дақиқалардан бошлаб қадрдон бўлиб қолдик. У жуда чиройли гапирар, кишини яшашга, курашга, энг оғир дамларда ҳам Ватанга содиқ бўлишга чақирарди. Тез орада у ёзган шеърларни камерада қўшиқ қилиб айтадиган бўлиб қолдик:

Кечир мени, юртим сенинг
буюк —
Номинг билан келдим мен
жангга.
Шонли ўлим билан
кўмолмадим,
Бу танимни мен сўнгги демда.
. . . . . .
Қулликдамаи ҳозир... ҳар
куни,
Кун чиқишин ғамғин кутаман.
Шеър бўлиб чиқар ўч ўти,
Яраланган лочин юракдан.
Кун чиқар ёқ дўстлар
ушлаган,
Байроқ каби кунда қизарар.
Билсайдингиз, дўстлар, тутқун
қалб,
Кўкракдаги яралар эмас,
Қонли ўтдан шунақа ёнар.
Умидим бор: бир август куни,
Бошлаб борар нажотга албат
Енгар тубан бу асирликни,
Қасос, юртга бўлган
муҳаббат...
Умидим бор, дўстлар
сафингизда,
Топар сўнгги кураш тилагин.
Яраланган, лекин қулликка,
Бош эгмаган тоза юрагим.

Фашистлар тез кунда Мусонинг катта шоир эканлигини билиб қолиб, ундан советларга қарши пропагандада фойдаланиш учун олиб кетдилар. Бу— 1942 йилнинг куз ойларида эди. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам-одам билан учрашаркан. Менинг Мусо билан учрашувим ҳам шундай тез ўтиб кетди.

1943 йилнинг бошлари. Бир куни қалъада сафга туриш учун сигнал берилди. Биз 13 киши қатор терилдик. Бизни Едьлн шаҳрига юборишаётганлигини қалъа комендатининг суҳбатидан билиб олдим. Бу шаҳар биз турган ердан 70—80 километр чамаси узоқда эди.

Кейинчалик билсак, Мусо Жалил ҳам шу лагерга келтирилган экан. Мусо бу ерда татар-бошқирд йигитларидан иборат бадиий тўгарак тузган экан. Тўгарак раҳбари шоирнинг дўсти Рушат Ҳисамутдинов эди. Мусо билан яна кўришдик. Рушат Мусонинг таклифи билан мени немисларга Қозон филармониясининг артисти деб таништирди.

Бошқирдистоннинг Кавакбоши қишлоғида туғилганман. Аммо мен Қозонда бирор марта ҳам бўлмаганлигим шу вақтда мени ўйлантириб қўйди. Кавакбошида ҳам фақат ёшлик йилларимда яшаганман. 1937 йили оиламиз ўзбеклар диёрининг Бухоро областига кўчиб келган. Шу ердан Қизил Армия сафига чақирилган эдим. Энди бўлса, Қозоннинг артисти бўлиб қолганлигим мени ҳайратга соларди.

Артистлар деб аталмиш группамиз лагерда рус, татар ва немис халқ қўшиқларини ижро этиб, фашистлар «ишончини оқлаганлиги учун бизни Берлинга экскурсияга юборадиган бўлдилар. Бу вақтда Мусо Жалил ҳам Берлинда эди. Шундай қилиб, биз йўлга отландик. Бизни Мусо кутиб олди. У мен билан кўришаркан, кўз қири билан саломлашди-да, яна юриб кетаверди. У башанг кийинган, эгнида қора костюм, бошида шляпа бор эди. Оппоқ куйлакларига ўрнатиб қўйилган галстук уни яна ҳам салобатли кўрсатарди.

Биз билардик, Мусо Жалил муҳим сиёсий-агитация ва пропаганда ишлари билан шуғулланарди. Партизанлар билан алоқада бўлиб советларга керакли маълумотларни юбориб турарди. Унинг яна бир жасорати шу эдики, асир тушган совет солдатларини ҳимоя қилар, уларнинг соғ-саломат қолишларига якиндан кўмаклашарди.

Бир группа экскурсантларни Мусо Жалил бошқариб борарди. Ниҳоят, мен у билан учинчи марта учрашдим.

— Гараф, ватандошим. Биз энди кўришолмасак керак, — деди у секингина.

— Нега ундай дейсан, дўстим? Ғалаба кунларини кўрамиз.

— Ғалаба муқаррар, аммо бизга насиб бўлармикин? — У шундай деди-да, ён чўнтагидан тўрт букланган варақларни менга узатди. — Бу қўшиқлар сўзи. Омон бўлсанг юртимга элтарсан.

Мусо ўткир сиёсий фаолиятли киши эди. У душман ичида туриб асирлардан иборат сиёсий группалар тузди. Бизнинг музика группамиз ҳам ана шундай группалардан бири эди. Шоирнинг бу фаолияти узоққа бормади. Душман айғоқчилари бу ҳақда хабар топиб, Мусони яна тутиб кетдилар. Аввал у Варшава, кейинчалик эса Моабит турмасига ташланди.

Тез кунда бизни ҳам тутиб қамоқ лагерларига ташладилар. Кўп дўстларим қийноқ ва азобларга чидайолмай ҳаётдан кўз юмдилар. Мен охирги марта лагердан қочиб, Франция территориясига кирдим. Француз ватанпарварлари мени ўз ҳимояларига олишди. Улар билан биргаликда немис-фашистларга қарши кураш олиб бордик.

Совет Армиясининг ғалабаси дунёни ларзага солди. Фашист турмалари парчалаб ташланди. Аммо, кўпгина қаҳрамон совет жангчилари мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, ҳалок бўлган эдилар. Она Ватанга қайтгач, Мусо Жалилнинг васиятини бажардим. Унинг менга қолдирган қирқдан ортиқ шеърини Татаристон ёзувчилар союзига топширдим.

Гараф Фахруддиновнинг оташ қалбидан чиқаётган мунгли, айни замонда мардлик қўшиғи тугади. Ўрнидан тураркан, тарихни жонлантирган бу қўшиқ мунгидан таъсирланиб кетди унинг ўзи ҳам. Бу гал дур каби нам йилтираб кетгандек бўлди унинг ўтли кўзларида.

Ҳа, бу чинакам ҳаёт қўшиғи! Бу қўшиқни юракдан куйлай олганларнинг кўкраги доим баланд. Бу қўшиқни куйлаганлар — куйлаганда ҳам пардаларга авж бериб куйлаганлар мард кишилар саналди. Гараф ака шу кунда ҳам ҳудди ана шу ҳаёт қўшиғининг давомини куйламоқда. Эндигина оқу-қорани таниётган ёшларга ҳам бу ҳаётни нақадар қимматли эканлигини одамларга, ёшларга ҳикоя қилиб бермоқда.

...Гараф ака совет тупроғининг қайси ерида бўлмасин, шу бепоён Ватанни жон-дилдан севди, уни ўз меҳнати билан безашга, гўзал қилишга отланди. Бошқирдистонда улғайди, Ўзбекистон унинг иккинчи Ватани бўлиб қолди. У Олмалиқ шаҳрини қурди. Бугун мана Тошкент унинг зиммасига анчагина юмушни юклади. Қурилишда арматурачиларга бошчилик қилиш осон эмас. Сейсмик зонада қад кўтараётган бинолларнинг пишиқ-пухталигини арматурачи ҳал қилади. Қаловини топиб қорни ёндирган Гарафнинг Иван Циганков, Михаил Сукманов, Мария Клавкова каби ҳамкасблари «Осиё» ресторани қурилишида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Пўлат НИШОНОВ,
Ҳайитбой ҲАКИМОВ.



«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг кўпгина участка ва зарбдор ишчилари шу кунларда келаси йил топшириқларини адо этишга киришди.

СУРАТДА: фирма 6-цехининг ёш чевари, ишлаб чиқариш зарбдори Н. Сергачева.

М. Нуриддинов фотоси.

Ғамхўрлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет халқининг фаровонлиги устида тинимсиз ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Меҳнаткашларнинг социал маданий талабини қондириш учун ҳар йили давлат томонидан неча ўн миллиардлаб маблағ сарф этилади.

Бу тадбирлар ичида, аввало, социал страхование ва социал таъминот муҳим ўрин тутади. Меҳнаткашлар давлат ҳисобидан бепул даволанишади, вақтинча ишга лаёқатсиз бўлганларида нафақа олишади, кексалик ва инвалидлик учун пенсия белгиланади. Болалар муассасалари ва дам олиш уйлари, санаторийларга бепул ва льгот бўйича путёвкалар ажратилади. Бундан ташқари, аёллар ҳомиладорлик, болани эмизиш, чақалоққа керакли нарсаларни харид қилиб олиш учун махсус нафақа оладилар. Социал страхование ва кўп болали ҳамда ёлғиз оналарга 1970 йилнинг бюджети бўйича республикада 303520 сўм, социал таъминот бўйича фақат Тошкент шаҳридагина 2191 минг сўм пул ажратилган.

Меҳнаткашлар ҳар йили маошлари сақланган ҳолда меҳнат отпускаси оладилар. Дам олиш ва даволанишлари учун кўплаб санаторий ҳамда дам олиш уйлари мавжуд. Болалар ҳақида ҳам жуда катта ғамхўрлик қилинмоқда. Пионер лагерлари, болалар. боғчалари, яслилари учун давлат томонидан тегишли маблағ ажратилади.

Совет давлати меҳнатга лаёқатини йўқотган гражданлар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилади. Бу нарса ишчи ва хизматчиларни социал страхование қилиш тобора ривожланиб бораётганлигида яққол кўриниб турибди.

СССР да социал страхование меҳнаткашларнинг маошидан ушланмаган ҳолда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан социал страхование ва социал таъминот қилишдан ташқари, ҳар бир меҳнаткаш шахсан ўзи ўзини страхование қилиши мумкин.

Страхование меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, моддий турмушни яхшилашда, иқтисодий тадбирлар системасида муҳим аҳамиятга эга. Бу шундай нарсаки, ундан ҳам меҳнаткашлар, ҳам давлат манфаатдор. Страхованиега ажратилган маблағ эгасига тезда қайтариб берилмагани учун, топширилган пул давлат томонидан халқ хўжалигини таъминлаш, мамлакатимизнинг кредит ресурсларини тиклаш учун ишлатилади.

Давлат страхованиеси меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ўстиришда, қўшимча таъминот мақсадида, табиий офат ва шунга ўхшаш кўнгилсиз ҳодисалар юз берганда, гражданларнинг шахсий мулкларини сақлашда катта аҳамиятга эга.

В. БУРХОНХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Госстрах бошқармасининг бошлиғи.

● *Социализм мамлакатларида*

23 мамлакат байроқлари остида

БЕРЛИН, Германия Демократик Республикаси кемасозлик корхоналарида қурилган балиқ овлаш кемалари бутун дунёда машҳур. Уларни жаҳондаги 23 мамлакат балиқ овлаш флоти составида учратиш мумкин. ГДР балиқ овлаш кемаларини қуриш соҳасида ҳозир дунёда иккинчи ўринда турибди.

Германия Демократик Республикаси танкни тон гандан буён ўтган 20 йил мобайнида Европада энг катта ҳисобланган Штральзунддаги «Халқ кемасозлиги» корхонасида турли типдаги 100 дан ортиқ балиқ овлаш кемаси қурилди. Висмардаги «Матис-тезенверфт» корхонасининг кемасозлари ҳам Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг катта-катта буюртмаларини бажариб бермоқда. Яқинда бу ерда совет буюртмаси билан қурилган «Каспий» деб аталган 32-кема сувга туширилди.

СССР ГДР кемаларини сотиб олувчи асосий харидор бўлишдан ташқари республикашинг кемасозлик корхоналарига катта илмий техникавий ёрдам ҳам бериб турибди. ГДР билан Совет Иттифоқи мутахассислари ҳамкорлигида энг янги балиқ овлаш кемаси — «Атлантик-супертраулер» лойиҳаси тузилди.

Польша заводлари — экспортга

ВАРШАВА. Халқ Польшаси қанд-шакар ишлаб чиқариш юзасидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Поляк инженерлари билан конструкторлари қисқа муддат ичида кучли замонавий қанд-саноатини барпо этдилар.

Польшада ишлаб чиқарилаётган қанд саноати машиналари чет эллларда бажонидил сотиб олинмоқда. Кейинги ўн йил ичида Польша 32 та қанд заводи учун машина-ускуна экспорт қилди. Бу заводлар Совет Иттифоқи ва Чехословакия, Испания ва Вьетнамда, Индонезия ва Покистонда, Гана ва Марокашда ишлаб турибди. Корхоналарнинг ҳаммаси энг янги техника билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган.

Болгария оранжереяларининг тортиғи

СОФИЯ. Бу йил Болгария оранжереяларида мўл сабзавот ҳосили олинди. Бу оранжереялар ҳозир жами 343 гектарга етди.

Гектар бошига ўрта ҳисобда 88 тонна помидор, 210 тонна бодринг, 61 тонна қалампир ҳосили олинди. Айрим майдонларда ҳосил бундан ҳам юқори бўлди. Чунончи, Жанубий Болгариядаги Велинград яқинида барпо этилган оранжереяларда 370 тонна бодринг. Пазаржик округида гектаридан 120 тонна помидор териб олинди.

Оранжерея хўжаликларида етиштирилган сабзавотнинг кўп қисми чет мамлакатларда сотилмоқда.

Иморатсозлик фабрикаси

БУДАПЕШТ. Дебрецен шаҳрида қурилаётган янги иморатсозлик комбинати битай деб қолди. Бу — мамлакатда қурилган ва батамом совет машина-ускуналари билан таъминланган бешинчи иморатсозлик комбинатидир.

Дастлабки планга кўра, корхона 1971 йил ёзида маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиши керак эди. Лекин бинокорлар коллективининг Венгрия Социалистик ишчи партияси X съездини муносиб кутиб олиш учун бошлаган меҳнат мусобақаси ва ишлар юксак даражада ташкил этилганлиги туфайли қурилиш муддатини анча қисқартириш мумкин бўлди. Комбинат партия съезди чақириладиган ноябрь ойида ишга тушади.

Прага метрополитен қурмоқда

ПРАГА Метроси қурувчилари совет метросозлари тажрибасидан муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Чехословакия пойтахтининг бўлажак ер ости йўлларида иккита совет проходка машина-механизмлари ишлаб турибди, тез орада учинчиси ҳам ишлай бошлайди. Яқинда бу ерда ер ости ишларини бажарувчи совет машина ва механизмларини ЧССРга қўшимча равишда етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди. Бу битимни Чехословакияда Совет Иттифоқининг метрополитен қурилишига бераётган катта ёрдами деб баҳоламоқдалар.

Прага метросозлари 100 минг тонна махсус совет цементи ва станцияларни пардозлаш учун 4 минг куб метр Урал ва Ўрта Осиё мармари оладилар. Прагаликлар бу метронинг Москва метроси сингари чиройли бўлишини ҳоҳлайдилар.



Германия Демократик Республикасидаги мактабларда ташкил этилаётган янги электротехника кабинетларида ўқувчилар амалий машғулотлар, тажрибалар ўтказиш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Тажриба ускуналари билан жиҳозланган янги типдаги ўқув кабинетлари Карл-Маркс-штадтдаги олий техника мактабининг коллективи томонидан тайёрланган.

АДН—ТАСС фотоси.

Планетамиз янгиликлари

● *АПН телетайп лентасидан*

ФИЛ ГЕОЛОГ

Бу воқеа ўтган асрнинг охирида Ассамда темир йўл қурилаётган вақтда бошланган эди. Фил чангалзордаги лагердан ишдан қайтиб келарди. Унинг оёқларидаги қора мой доғларини кўриб қолишди. Одамлар унинг изи бўйлаб ботқоқликка келишди... Ботқоқлик юзасида нефть доғлари ярқираб турарди.

Ассамдаги нефть кони 1890-йилдан буён ишлаб келяпти. Унинг асосида, Ҳиндистондаги нефтни қайта ишлайдиган энг эски корхона ишламоқда.

Ассамдаги нефть кони топилгандан кейин Ҳиндистонда ярим аср давомида ҳеч қандай қидириш ишлари олиб борилмади. Англия мустамлакачилари Ҳиндистонда ўз нефть маҳсулотлари учун бозорга эга бўлиш ҳақида мумкин қадар кўпроқ «ғамхўрлик» қилдилар. Иккинчи жаҳон уруши арафасида мамлакатда иш олиб борган геология хизмати 27 кишидан иборат эди, холос. булар орасида ҳам бирон нефть мутахассиси йўқ эди. Шу сабабли Ҳиндистонда нефтни... филнинг топиши тахминларни эмас.

1947 йилда Ҳиндистон сиёсий мустақилликка эришганидан кейин экономика ривожлана бошлади. 50-йиллар ўртасида ҳукумат нефть саноатининг давлат секторини вужудга келтириш ҳақида қарор қабул қилди ва ёрдам сўраб Совет Иттифоқига мурожаат қилди. Нефть ва табиий газ бўйича комиссия юзага келтирилди. Совет—Ҳиндистон ҳамкорлиги ўз самараларини берди: Ҳозир Ҳиндистон қидирув ишларининг программаси Шарқи-Жанубий Осиёдаги энг кенг программа ҳисобланади. Йиллик нефть чиқариш тўрт миллион тоннани ташкил этади, 1978—1979 йилларда эса 14 миллион тоннага етказилади. Ёш нефть саноати ҳозирданоқ қуруқликдан нефть қидириш билан чекланиб қолмай, денгиздан ҳам нефть қидиришга киришди.

Шу йил 19 мартда ғарбий соҳилдаги Камбей қўлтиғида очиқ денгизнинг нефть қудуғи тантанали равишда очилди.

(АПН—«Нойес Дойчланд»).

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ҚОҲИРА. ТАСС мухбири Б. Тугушев хабар беради:

Бирлашган Араб Республикаси шу кунларда республика президентини сайлаш масаласи юзасидан 15 октябрда ўтказиладиган умумхалқ референдумига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Маҳаллий газеталар миср халқи ҳаётидаги шу муҳим воқеа билан боғлиқ зарур тадбирларни ишлаб чиқиш билан банд бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари зўр ғайрат билан ишлаётганлигини уқдириб ўтмоқда.

Миср пойтахти саноат корхоналари ишчилари вакилларининг куни-кеча бўлиб ўтган катта йиғилишида баёнот қабул қилинди. Баёнотда «Бирлашган Араб Республикасининг ишчилар синфи БАР раҳбар органлари томонидан Анвар Садат номзодининг кўрсатилишини қўллаб-қувватлайди ва Президент Носир раҳбарлигида ишчилар синфи эришган ғалабаларни қаттиқ туриб ҳимоя этишга қатъий аҳд қилгандир» деб таъкидланади.

Миср ҳуқуқшунослари, ўқитувчилари, врачлар, қишлоқ хўжалик ишчилари, касаба союзларининг йиғилишлари ҳам республика президенти лавозимига кўрсатилган Анвар Садат номзодини қўллаб-қувватладилар.



Францияда фирмалардан бири йўловчиларда қурол борми йўқми, шуни аниқлайдиган тадбирлар системасини таклиф қилди. Махсус автомат ана шу қурилмадан ўтаётган кишида металл буюм борми, йўқми, аниқлаб беради.

СУРАТДА: янги прибор Орли аэродромида синовдан ўтяпти.

АФП—ТАСС фотоси.

ХУНТА ЯНГИ ИНЪОМЛАР ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ мудофаа министри Лэйрднинг яқинда Грецияга қилган сафари «Қора полковниклар»ни жуда рағбатлантириб юборди. Улар дарҳол Америкадан яна ёрдам беришни талаб қила бошладилар. «Вашингтон ивнинг стар» газетаси хабар беради: Афинада музокаралар ўтказилган вақтда Греция ҳарбий хунтаси—«Греция қуролли кучларини ҳарбий қуроллар билан таъминлашни яхшилаш зарурлигига Лэйрдни ишонтира олган».

Греция АҚШнинг берадиган ёрдами эвазига, деб ёзади газета. НАТОнинг жанубий қанотида ўз ролини кучайтиришга «тайёр эканлигини билдирди». Бу ҳол «Пентагон вакилларида яхши таассурот қолдирди.

РУҲОНИЙ КИЙИМИДАГИ ЖАЛЛОД

Мюнхен прокуратураси ўз вақтида Ғарбий Германиянинг ўзидагина эмас, балки унинг ташқарисидаги узоқ ерларда ҳам шов-шувга сабаб бўлган «Дефреггер иши» бўйича олиб борилган тергов ишларининг тўхтатилганини расмий равишда эълон қилди.

Бавариядаги католиклар руҳонийси Дефреггер иккинчи жаҳон урушн йилларида Гитлер армиясининг офицери бўлиб Италиядаги Филетто қишлоғининг тинч аҳолисини отиб ташлашда қатнашди. Мюнхен прокуратураси Дефреггер иши бўйича 200 га яқин гувоҳни сўроқ қилди. Улардан биронтаси Филеттода бўлиб ўтган қонли жазолаш фактини рад этмади. Лекин шунга қарамай бавариялик адолат хизматкорлари ҳарбий жиноятчини оқлашни мумкин деб топдилар. Улар вермахт капитани Дефреггер гўё «Вазият ва ҳарбий устав талабларига мувофиқ» ҳаракат қилган деб айтдилар.

Бу жанжалли воқеани қандай қилиб бўлмасин бости-бости қилиш учун Мюнхенда Дефреггер ўз вазифасидан бўшаб кетяпти, деб эълон қилишди. Бироқ бу дин тарғиботчиси ўз гуноҳларини ювиш учун монастирга кетаётгани йўқ. У ўз вазифасидан паст бўлмаган черков вазифасига ўтказиляпти — Бавариянинг католиклар жамиятига бошчилик қилади.

Қўллари қонга бўялган бу киши илгаригидек меҳробдан туриб инсонпарварлик ва ҳулқ ҳақида ваъзхонлик қиладиган бўлади.

А. ЖОЛКВЕР,
АПН — радио мухбири.

М. В. ФРУНЗЕ АДЪЮТАНТИ • ПОЛКОВНИК БАТИГИН ИЗИДАН • *ЖАНГЛАРДА ТОБЛАНГАН ДЎСТЛИК* • СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ



НАМУНАЛИ КОМАНДИР

Лейтенант Григорий Ний командирлик қилаётган взвод снёсий ва жанговар тайёргарликда эришган юқори натижалари учун «Аълочи взвод» номига эга бўлди. Ёш офицер бошчилигидаги солдатлар Ленин юбилейи шарафига олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этишди. Уларнинг ҳар бири ҳарбий таълим дарсларининг ҳаммасидан юқори кўрсаткичларга эришишди.

Корейс йигитининг орзуси ушалди. У Совет Қуролли Кучларининг офицери бўлиб етишди. Унга взводга командирлик қилиш вазифаси ишониб топширилди. Ний ҳарбий билим юртида олган билимларини ёш солдатларга етказиш, уларни она-Ватаннинг моҳир ҳимоячилари қилиб тарбиялаш учун сарфлади.

Григорий ўзидан катта ёшдаги офицерлардан командир ўз солдатлари олдида ҳамма вақт шахсий намуна кўрсатиши лозимлиги ҳақида кўп марталаб эшитган эди. Ний ҳам шундай қилмоқда.

Дарҳақиқат, ундан намуна оладиган хусусиятлар анчагина. Григорий енгил атлетика, отиш, самбо, тўсиқлардан ўтиш каби спорт турлари бўйича разрядга эга.

Взвод командири солдатларнинг мерганлик малакаларини оширишга кўп вақт сарфлайди. Уни нишонни аниқ мўлжалга олиш йўлларини ҳеч эринмай ўргатади. Мана, биргина мисол: Узоқдаги тепалик устида нишон кўринди. Ний тезда уни мўлжалга ола бошлади. Аввал масофани чамалаб кўрди, кейин прицелни суриб қўйди. Орадан 3—4 секунддан кейин ўт очилди. Нишон қулади. Мўлжал тўғри олинган эди. У яна олға юрди. Шу пайт ўнг томонда «душман» солдатлари пайдо бўлди. Григорий шошиб қолмади. Шу ондаёқ тизза чўкиб автоматни «тилга киритди».

Машқ аъло даражада бажарилди.

— Ана шу йўсинда отиш керак,— деди у орқага қайтиб келгач солдатларга мурожаат қилар экан.

Ф. ЛОБЗИН,
подполковник.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларида ўз ҳарбий бурчини ўтаётган ўзбекистонлик жангчилар армия ҳаётидаги янгиликлар, машғулотларда эришилган ютуқлар ҳақида редакциямизга тез-тез хабарлар йўллайдилар. Уларнинг мактубларида самимият, ўз ўлкасини соғиниш ҳисси сезилиб туради.

Ефрейтор Т. Усмонов ана шундайлардан бири. У ўз бўлинмасининг ютуқлари, аълочи жангчилари ҳақида бизга тез-тез ёзиб туради. Мана, унинг кейинги хатидан бир шингил:

«Младший сержант Ф. Ким бошчилик қилаётган ҳарбий бўлинмада снёсий ва жанговар тайёргарлик аълочилари сони тобора ошиб бормоқда. Олдинги солдатлардан В. Босконичий, А. Қодиров, В. Назаров, В. Халилов кабилар барча машғулотларда бошқаларга ўрнак бўляптилар. Бу муваффақиятларда бўлинма командири Феликс Кимнинг хизмати катта. У ҳар бир машғулотни тушунарли, мазмунли қилиб ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўради. Ўзи ҳамиша бошқаларга ўрнак — разрядли спортчи, классли мутахассис, Совет Армияси аълочиси. Аъло хизматлари учун, у яқинда қисқа муддатли отпуска олиб, она шаҳри Тошкентга бориб келди».

Старший сержант З. Мамажонов ёнгинни ўчиришда жонбозлик кўрсатган сафдошлари ҳақида, олдинги солдат У. Режапов эса ҳарбий қурувчиларнинг муваффақиятлари тўғрисида бизга хабарлар юборишган. Олдинги солдатлар А. Содиқов, Ф. Набиевлар эса ўзлари билан бирга хизмат қилаётган ўзбекистонлик аълочи жангчилар ҳақида ёзишган. «Усмонжон Юнусалиев ҳарбий хизматни бошлаган дастлабки кунлариданоқ кўпчилик эътиборини қозонди, — деб ёзади ўз хатида олдинги солдат Ф. Набиев. — чунки у илмга чанқоқлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга самимий муносабат каби фазилатлари билан ажралиб туради. Уни, дастлаб, қисм комсомол комитетига аъзо, сўнг Белоруссия комсомоллари съездига делегат қилиб сайлашди. Ўтказилган ҳарбий машқларда юқори натижаларга эришганлиги учун у В. И. Ленинннинг юз йиллик юбилейи медали билан тақдирланди».

Бундай хатларни кўплаб келтириш мумкин. Улардаги юрак сатрлари орасидан Ватанимиз осойишталигини қўриқлаётган, кўп миллатли ягона оиланинг барча аъзолари қаторида ўз муққаддас бурчларини ўтаётган ўзбек ўғлонларининг Осиё қуёшида тобланган таниш чеҳралари намоён бўлади.

Инсон умрини ўқилмаган китобга ўхшатишади кўпинча. Ҳақиқатан, ҳар куни қанчақанча кишилар билан учрашамиз, суҳбатлашамиз. Йиғинларда, давраларда бирга бўламиз. Лекин кўп маҳал ёнмаён ўтирган ҳамсуҳбатимиз умр китобининг саҳифаларига битилган ноёб лавҳалардан бехабар қоламиз.

Мен Болта акани беш йилдан бери танийман. Баланд бўйли, қотма, серажин юзларида меҳр товланган, кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган отахон.

Куни-кеча польшалик тенгқурларимиз шаҳримизда меҳмон бўлишганларида улар билан биргаликда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида бўлдим. Биргаликда хоналарни кўздан кечирарканмиз, тахтада зарҳал ҳарфлар билан битилган ёзувга музей ходимаси эътибор қилишимизни сўради. Унда қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Ушбу шинель ва Михаил Васильевич Фрунзе тақдим қилган маузер ўртоқ Болта Аҳмедовга тегишлидир».



Қўндоқлари тирналган маузер. Улуғ саркардадан улкан жасорат ва мардлик учун олинган туҳфа. Унинг ҳар бир тирналган чизиқлари оламолам воқеалар шоҳиди. Қанча кўрбошиларнинг кўкрагини ерга теккизган, ер тишлатган у...

Шинель. Оддий аскар шинели. Бағрларини ўт ялаб, қора из қолдирган ажал ўқлари нишоналари. Елкада ўткир тиғ жароҳатидан қолган йиртиқ. Неча йиллар Болта ака билан ўт кечган, оловли йиллар гувоҳи у.

Бир куни Болта акалар хонадонида бўлдим. Улар билан узоқ суҳбатлашдик. Назаримда, Болта ака бироз асабийлашгандай туюлди.

* * *

... Нотинч ва тўлғоқ босган Туркистон ўлкаси, аланга домида қолган қишлоқлар. пайхон қилинган боғ-роғлар, ўксик қалблар фарёди, топталган орзу-умидлар, оналар жасади устида тамшаниб кўкрак ахтарган бегуноҳ гўдакларнинг жовдираган кўзлари... Булар бари яна қайтадан Болта акани қийнаб, беихтиёр ўтмиш кунларга бошлади. Қулоқлари остида наъра тортаётган даҳшатларнинг чеки йўқдай. Бўлиб ўтган ўша машъум воқеаларга ақли бовар қилмаётгандай...

Сабри синган халқ курашга отланди. Бу курашнинг биринчи сафларидан эндигина 20 ёшга тўлган Болта Аҳмедов ҳам ўрин олди. Миркомил Миршаропов, Абдулла Ёқубов, Тешабой Жалилов каби жасур тенгдошлари билан бирга халқ нажоткори бўлиб майдонга чиқди. Айниқса, Бухорода амирни тахтдан ағдариш учун олиб борилган жангу-жадалларда жасорат кўрсатди. Улуғ саркардадан мана шу жанговар фаолияти учун ҳам маузерни олишга муяссар бўлди.

— Амир сентябрь ойида Бухорони ташлаб кетгандан кейин, бу ерда Советлар ҳокимиятини ўрнатишда Бозор Абдураҳимов, Абдусаттор Тошев, Маҳмуд Жабборовлар қаторида мен ҳам, — деб сўз бошлади Болта ака, — Бухорода совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларда қатнашдим. Мен ҳеч қачон шиддатли жангларни, кўрган-кечирганларимни, елкама-елка жанг қилган дўстларимни унутмайман. Ўша вақтларда Туркистон ҳарбий округининг қўмондонлари Дубинко, Городовиков ва Петровлар ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда, ҳарбий техникани ўрганишда жуда катта иш олиб боришди. Улар Туркистоннинг фарғонатда, тинчликда яшаши учун катта хизмат қилдилар.

— Ўртоқ Охунбобоевнинг топшириғи бўйича, — деб хотирлайди суҳбатдошим, — Сўхда ўрнашиб олган босмачиларни тор-мор келтириш менга топширилган эди. Сўхда Мулла Юсуф, Жейлон қўрбоши, Абдулла бола, Мастон қўрбоши, Рустам эшон бошлиқ босмачилар тўдаси Зоднён қишлоғидаги боғлардан бирида маст бўлиб ётишганди. Бу ҳақда Машрабжон Мастонов менга хабар қилди. Вақтни қўлдан бермай, биз уларни ўраб олдик. Ўртада жанг бошланди. Фарғона даврий аскарлари шу кунги жангда ғолиб чиқдилар. Миронов, Колесников Эгамбердиев, Қамбаров, комсомоллар секретари Бўроновлар бу ғалабага ҳисса қўшдилар. Етти кеча-кундуз Сўх меҳнаткашлари учун сайл ташкил қилдик. Босмачилар зулмидан бир умрга озод бўлган халқ хурликдан баҳра топди. Унинг пешонасига ҳам офтоб тегди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, Болта Аҳмедов Ғиждувон ижроия комитетининг раиси қилиб тайинланди. Энди у халқ фаровонлигини ошириш йўлида меҳнат қила бошлайди.

Анчадан буён Болта ака пайига тушган халқ душманлари ундан ўч олиш режаларини туза бошлайдилар. Болта аканинг Сайкент қишлоқ шўросига кетаётганини эшитган Тўхтақирон босмачи, Шодмон қўрбоши ўн отлиқ, йигирма пиёда босмачидан пистирма қўяди. Болта ака қуршовда қолади. Ўртада тенгсиз олишув бошланади. Ўқлар тугайди. Пайдан фойдаланган босмачилардан бири орқадан қилич солади. Кўнгли жойига тушган босмачилар Болта Аҳмедовни ўлдига чиқариб, шошилинч яширинишади. Лекин тақдир бу гал ҳам тантилик қилган эди. Болта ака бир неча ой даволаниб, яна оёққа туради.

Лекин босмачилар қилинчининг қаҳри беасар ўтмади. 1940 йилга келиб Болта аканинг ҳали ҳаёт завқига қонмаган, яхшиликка ташна кўзларидан бир олам нурни сидириб кетди.

1941 йил халқимиз бошига яна оғир кунлар тушди. Ўзининг Ватан дардига малҳам бўла олмаслигини, кўзга қурол олиб жангга кира олмаслигини ўйлаб бағри-дилдан ўкинди. Лекин Болта Аҳмедов укаси Неъматжонни, ўғли Ҳамиджонни Ватан урушига кузатаркан, ёвузлардан менинг учун ҳам қасос олинглар, деб қолди. Шуни ўйлаб, бедор тунлар кўнгли таскин топди. Ука ва тўнғич ўғил ҳам ака, ҳам ота ишончини, Ватан олдидаги шарафли бурчни оқладилар. Ватан дахлсизлиги, озодлиги йўлида жон фидо қилдилар.



Мен Болта акадан эшитган бу воқеалар ҳали ўқиб улгурилмаган, ноёб китобнинг бир саҳифаси, катта бир тақдирнинг кичик қатраси. Доно халқимиз азалдан «Қатрада қуёш жилоланади», деб бекорга айтмаган-ку!

Т. ТЎХТАЕВ.

Қатрада қуёш

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ТАНКЧИ ВОРИСЛАРИ



Гвардиячи полковник Александр Степанович Батигин ажойиб Совет ватанпарвари, туркистонлик танкчиларнинг толмас устози эди. Бизнинг болалар уйимиз уч йил муқаддам ихтисослаштирилиб, бўлажак танкчиларнинг билим ўчоғига айланишида у катта ғайрат ва ташаббус кўрсатган. Собиқ танкчи маҳаллий болалардан армиямиз учун зарур кадрлар етишиб чиқишини чин кўнгилдан истарди. Лекин болалар уйининг келажагини ўйлаб, ёш ватанпарварлар тўғрисида қайғуриб юрган бир пайтда унинг юраги уришдан тўхтади.

Биз Совет Армиясининг ветерани тер тўкиб бу даргоҳни ҳарбий ватанпарварлар тарбияловчи марказ бўлиб қолиши учун интиляпмиз.

Болалар уйининг тарбияланувчилари ўқиш билан бирга турли тўгараклардаги машғулотларда қатнашмоқдалар. Ҳаммадан ҳам духовой оркестр тўгарагига қизиқувчилар кўп. Бу тўгаранда машғулотлар олиб борувчи Абдусаттор Абдусаматов оркестр бўйича олий маълумотга эга. Болалар оркестрининг раҳбари А. Земляницкий бошчилигида талайгина машқларни зўр эҳтирос билан чалишади.

Яна бир тўгаракка сержант Абдумалик Абдуллажонов бошчилик қилади. Болалар ундан солдатчисига юришни ўрганадилар. Ҳа, ҳарбий форма кийиб, параддан ўтадиган тарбиячиларимизни байрамларда бутун Тошкент олқишлайди.

Авиамоделчилик, кемасозлик, фотоҳаваскорлик тўгаракларида ҳам ёшларимиз ҳар хил ҳунар ўрганмоқдалар.

Уқувчилар ҳарбий ветеранларга қизиқиб иштирок этадилар. Утган йили ҳарбийлашган «Зарница» ўйинларида қатнашган болаларимиз республикада иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бизни оталиққа олган Қизил байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи, Чкалов номли авиация заводи коллективи талаб ва эҳтиёжларимизни қондиришга ёрдамлашиб, эътиборларини кучайтирсалар, ёш ватанпарварлар тарбияласи соҳасидаги вазифамизни янада яхшироқ ўринлатган бўлардик.

И. СУЛТОНОВ,
полковник А. С. Батигин номидаги ихтисослаштирилган 4-болалар уйининг директори.

ТАНКЛАРДА машғулот ўтказиш ҳар бир солдатдан чаққонлик, сезгирлик, жасурлик ва чидамлиликни талаб қилади. Совет Армияси сафида хизмат қилаётган танкчи-йигитларимиз ана шундай жасорат эгасидирлар.

СУРАТДА: танкларда машғулот ўтказилляпти.

С. Преображенский ва Б. Трепетов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЖАНГЧИ НОМАЛАРИ

ОНАГИНАМ

Биринчи мактуб

Онажон, йўлим нуқра кўнган соч-ларингиздек олис. Сархадсиз бу йўл аро сизнинг ёдингиз билан кезиб юрибман. Олис-олислардаки кўринган уфқлар ортида эса менинг орзуларим яширинган. Мен орзуларим сари кетяпман. Орзуларим худди нон ушоғидай сочилиб кетган. Уларни битта-битталаб териб олишим керак. Орзуларим ҳудди нондай азиз, нондай мўътабар. Чунки улар сиз билан, эртанги куним билан боғлиқ, онажон. Ҳар куни қуёш билан робар йўлга чиқаман. Аскарлик ҳаёти шуни тақозо қилади. Сафар жабдуғимни елкамга ортмоқлаб, замин бўйлаб кеза бошлайман. Олис-олис йўл босаман. Кўп одамлар билан учрашаман. Ўзингиз айтганингиздек, беш қўл баробар эмас. Ҳаётда ҳар хил хулқли, ҳар хил фикр-ўйли одам бор. Ҳаётни кўра билишни, яшашни истаган одам уларнинг бариси билан мулоқатда бўлиши, керак. Акс ҳолда, кишининг ҳаёти маънисиз ва ғариб бўлиб қолади. Доимо, ўғлим, яшаш учун кураша билиш керак, дердингизку. Демак, мен хато қилмаяпман. Курашмоқ айб эмас. Шундай эмасми, онажон? Кўнглингизга ҳар хил ёмон ўйлар келмасин. Ёмонлик сари бирор қадам қўймайман. Ахир, Сиз мени ҳеч қачон ёмонликка даъват этмагансиз-ку. Шундай экан, ҳақ йўлдан чекинишим мумкинми?

Негадир, бугун дафъатан хайрлашув они ёдимга тушиб қолди. Сиз ҳам эслайсизми, онажон? Менден ҳам кўра сиз яхшироқ эсласангиз керак. Негаки, оналарнинг ёдидан ҳеч қачон ҳеч нарса фаромуш бўлмайди.

Одам тирбанд вокзал... Сурнайнинг ҳазин навоси, чилдирманинг така-туми кўнгилда ҳам шодликка, ҳам маъюсликка ўхшаш ажиб бир туйғу уйғотади. Мана шу сурон аро биз — она-бола бир-биримизга сўзсизгина тикилишиб турардик. Биз бу ердаги шовқин-суронни эшитмасдик. Бутун оламни унутиб, бир неча дақиқа танҳо қолгандик. Кимки, яқин кишисини олис сафарга кузатган бўлса, бизнинг ўша аснодаги аҳволимизни ҳис эта олади. Биз деярли ҳеч нарса ҳақида—на бир неча сониядан кейин бошланадиган аччиқ айриliқ, на ўртамизда пахса девор бўлиб турган мангуликдай сўнгсиз икки йил ҳақида ўйламасдик. Сизнинг кўзларингизда ёш ҳалқаланиб турарди. Бироқ, Сиз кўз ёшларингизни мендан яширишга уринардингиз. Дока рўмолингизнинг учи билан кўзларингизни тез-тез артиб кўярдингиз. Сиз мени мардона кузатдингиз. Ортиқча бирон оғиз ҳам гап айтмадингиз. Фақатгина, уйда ёлғиз қолган пайтимизда айтган гапингиз ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди. «Тўғри бўл, болам, қўлингдан келганича бировларга яхшилик қилишга ҳаракат қил. Яхши одамга ҳамиша бахт ёр бўлади». Бу гапларингиз мени кўзланган манзилимга элтувчи дастурдир.

Онажон, Сиз ҳам вагон ортидан эргашиб келардингиз. Гоҳ қўл силкиб нимадир дердингиз, гоҳ тўхтаб менга тикилиб қолардингиз. Ёш томчилари сержин юзингизни тинимсиз юварди. Бироқ Сиз буни сезмасдингиз.

Йиғламанг, онажон, асло йиғламанг. Кўз ёшларингизни шодлик онларига асраб қўйинг. Ҳадемай, хизматимни тугатиб қайтаман. Ана ўшанда жиндай-жиндай йиғлаб олишимизга тўғри келади. Ахир, баъзан шодлик ҳам кўз ёшисиз татимай қолади-ку.

Хатимни тугатаман. Ҳозиргина янги буйруқ келиб қолди. Тунги сменага ишга кетяпмиз. Ишдан қайтгач, албатта яна хат ёзаман.

Аскарлик саломи билан,ўғлингиз:

Эмин УСМОНОВ,
Н-қисм, Астрахан

БУРЧ

У шаҳарчанинг қаҳрамони бўлиб қолди. Фамилияси — Идрисов, исми—Фармон.

...Туш пайти эди. Кув қўёшининг кучи кесилган. Баданни жунжиктирувчи шамол эсарди. Фармон постда турибди. Ана узоқда поезд кўринди. Катта тезлик билан келяпти. Йўл назоратчиси шлагбаумни туширди. Ўнг томонда трактор шиддат билан келаётган эди. Нега тезлигини камайтирмаяпти. Шлагбаумга яқинлашди. Назоратчи шлагбаумни уриб синдирмасин, деган хавотирда, унга кўтарди. Трактор ўша тезликда тўғри темир йўлга бостириб борарди. У томондан поезд яқинлашаяпти. Тўқнашувга бир неча метр қолди. Назоратчи аёл қичқириб юборди. Қизил чироқларни ёқди. Лекин вақт ўтган, поезд тўхтаб улгурмайди. Фармон трактор томонга югурди. Чаққонлик билан кабинага кириб, тракторни тўхтатди. Темир йўлга бир неча метр қолганди. Тракторчи гирт маст, ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Кўнгилсиз ҳодисанинг олди олинди.

...Фармонни гапга тутдик.


— Тракторга чиқишдан олдин ҳеч иккиланмадингизми?

— Олдинига бироз қўрқдим. Чунки трактор-нинг тезлиги катта эди. Аввало унга чиқиб олиш қийин, кейин тўхтата оламанми, йўқми... Тўхтатсам яхши, бўлмаса— тамом!

— Бу ишга сизни нима ундади?

— Тўқнашув яқинлашиши билан ҳамма нарсани унутдим. Кўзим олдида фақат тўқнашув оқибатлари —ҳалок бўлувчи одамлар, тўнтарилган вагонлар келди. Қандайдир куч менга далда берди. Қолаверса, менга далда берган куч — бурчим. Менга «қахрамонлик қилдинг», дейишяпти. Йўқ уйдай эмас. Мен, шунчаки, бурчимни бажардим, холос.

Тоҳир ХОБИЛОВ,
Н-қисм.



Шаҳардаги умумқўшин командирлик олий билим юрти автоклассида машғулотларни майор Г. Климчук олиб боради.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга). Курсант-комсомоллардан Б. Баҳромов, В. Константинов ва В. Гудималар. Л. Глауберзон фотоси.

АЪЛОЧИ КОМАНДИР

Бўлинмамиз жангчилари снёсий ва жанговар тайёргарликда аъло баҳолар олмоқдалар. Моҳир командир, аълочи жангчи младший сержант М. Зубарев ўз бўлинмасидагиларни разрядли спортчилар ва совет армияси аълочилари қилиб тарбиялашда ўз кучини аямайди.

Бўлинмада ефрейтор К. Кузнецов, оддий солдатлар В. Скоморохов, Т. Свешников каби аълочилар бор. Улар ҳарбий-техника ва снёсий билимларини оширишда ўз командирлари Михаил Зубаревдан ўрнак олиб, кувончли натижаларга эришмоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
Н-қисм.

✻ КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ШУҲРАТЛИ ЙИЛЛАР МАДҲИ

Улуғ Ватан урушн йилларида барча совет халқи каби ўзбекистонлик азаматлар ҳам жасорат кўрсатишди.

Тарих бўлиб қолган у суронли йиллар тўғрисида эсдаликлар, мемуарлар ёзилди.

Шу йил, 9-майда Германия фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллик тантаналари бутун ер юзида нишонланди. Шу муносабат билан, жанггоҳнинг янги лавҳалари, очилмаган томонлари ёритилди.

Куни-кеча «Ўзбекистон» нашриётн 19 босма листдан иборат китоб нашр қила бошлади. «СОВЕТ ВАТАНИ УЧУН ЖАНГЛАРДА» [«В боях за Советскую Родину»] деб номланган китоб, ўша суронли йилларда ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати, матонати ҳақида ҳикоя қилади.

Мухбиримиз китоб муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Туроб Жўраевич Жўраев билан учрашиб, асарнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Китоб— менинг кўп йиллик изланишларим маҳсули. Илгари уруш ҳақида чиққан бешта китобим ана шу катта монография учун дебочадир. Китобда ўзбек халқи фарзандларининг ва республикалик ҳамюртларининг герман фашизмига қарши кураш олиб борган мардонавор жангларининг биринчи кунидан бошлаб, Япония милитаризми яксон қилингангача бўлган давр қамраб олинган.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг фаолиятини тарихий фактлар асосида тиклашда Подольск архиви, КПСС Марказий Комитети қошидаги марксизм-ленинизм институти ва Ўзбекистон Компартиясининг тарих институтидаги ҳужжатлардан фойдаландим. Айни бир пайтда, менга ёрдам берган илмий ходимлар, Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига ташаккур изҳор қиламан.

Китоб ўн бобдан иборат бўлиб, урушнинг энг муҳим участкалари қамраб олинган. Партизанлар ҳаракати ва Япония урушн ҳам алоҳида бобларда ҳикоя қилинади.

Китобнинг вужудга келишида армия генерали Н. Г. Ляшченко ва полковник Н. П. Саутовлар яқиндан ёрдам беришди ва ўзлари масъул муҳаррир бўлиб қолишди. Шу кунларда китоб нашр қилинаяпти. Нашриёт ходимлари китобни ўзбек тилида чоп қилишни ҳам мўлжаллашган.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг фаолиятини тарих саҳифаларига олиб киришни асосий бурчим деб биламан. Китобда 1200 га яқин солдатларнинг номи келтирилади. Улар юзлаб ва минглаб-дир...

Мен доимо уларни излашда давом этаман. Бу эса виждоний вазифамдир.

✻АФРИКА ХАЛҚЛАРИ ЭРТАКЛАРИДАН

КЎР БИЛАН СОҒ

БИР киши бозордан хўкизига миниб қайтиб келардм. У йўл ёқасида ўтирган оқизни кўриб қолди. Кўр бўлса офтобда йиғлаб ўтирарди:

— Э худо, менга раҳминг келсин, ҳеч нарсани кўрмайман, қуёш эса куйдириб юборяпти. Агар кўзларим кўрганида эди, бирорта дарахт соясига ўзимни олган бўлардим,

Соғ кўрга деди:

— Ҳой ўлимтик, кел, сени хўкизимга мингаштириб ола қолай.

— Худо хайрингни берсин,—деди кўр унинг ёрдамида хўкизга мингашаётиб.

Шундай қилиб, соғлом киши хўкизнинг олдида, кўр эса орқасига миниб йўлга равона бўлишди.

Кўр соғломнинг олган нарсаларини тимисқилаб, сўрай бошлади:

— Бу нима?

—Туз,— деди соғлом.

— Бучи!

— Пальма мевасининг талқони.

— Бучи?

— Сода.

— Буниси чи!

— Гаримдори!

—. Мана бунисичи?

— Қайлага аралаштирриладиган зиравор.

—Хўш, бучи!

— Ош-кўклар.

— Бучи!

— Занжабил.

— Буниси нимадир?

— Доимик гаримдори.

Кўр қоплар тагига илинган кичик қопдаги нарсани пайқамади. Улар шаҳарга етиб келишгач, хўкизнинг эгаси деди:

— Қани, қори, туш. Бизлар шаҳарга келдик, сен мана бу ерда ўтириб дамингни ол, мен йўлимдан қолмай.

Лекин кўр хўкизнинг устидан тушгиси келмай, одамларни ёрдамга чақирди. Одамлар тўпланишди.

— Мана бу соғ киши хўкизимни олиб қўймоқчи,— дея қичқирарди кўр.

— Нима деб валдираяпсан, эй қори. Худо ҳаққи, тўғрисини гапир!— дея ҳаяжонланарди соғ.

— Тўғрисини айтяпман.— деди кўр,— сен менинг хўкизимни тортиб олмоқчи бўляпсан.

Одамлар буларнинг сўзларини эшитиб бўлишгач, уларни амирнинг ҳузурига олиб бормоқчи бўлишди.

— Соғлом, сен саволга биринчи бўлиб жавоб берасан,— деди амир.

— Йўқ ,аввал кўр жавоб берсин,— дея илтимос қилди соғлом.

— Хўш, кўр, гапирчи нима гап ўзи!— деди амир.

—Садақанинг эвазига мукофот сифатида хўкиз олдим, — дея гап бошлади кўр.— Кейин туз, пальма мевасининг талқони, қиймага аралаштириладиган зиравор, гаримдори, сода, ош-кўк, занжабил, донли гаримдори олганн бозорга бордим. Буларнинг ҳаммасини олиб, қопларга жойладим-да, хўкизнинг устига юкладим. Ана ўзларинг кўринглар, олган нарсаларим саккиз қопга солинмаганми!

Одамлар қараб қопларнинг тўққизталигини аниқлашди. Шунда амир деди:

— Ҳозирча бориб икковларинг ҳам дам олиб туринглар, эртага ҳаммасини аниқлаймиз.

Амир иккита катта ндишга сўк бўтқа, мой, қайнатилган гўшт, қатиқ, асал ва икки ндишга қовурилган гўшт солиб келтирилишини буюрди.

Буларни кўр билан соғломга элтиб беришни айтди. «Билдирмасдан ҳар иккаласининг нима деганини билиб келинглар»,—деб буюрди амир хизматкорларига.

Овқат олиб келганлар кўрдан қуйидаги сўзларни эшитишди: «Бошланиши чакки эмас! Мен бўтқани ҳам, мой билан гўштни еб, қатиқни ичаман, асални ейман, бунинг устига эрталаб хўкизни ҳам оламан».

Хизматкорлар бориб, буларни амирга айтиб беришди.

—Шошманглар-чи, соғломга овқат олиб келганларнинг ҳам сўзини эшитиб кўрайлик-чи,— деди амир.

Хизматкорлар соғлом олдидан мана бу гапларни топиб келишди.

— Қулоқ сол, амир, соғлом овқатларни олгач: «Буларни нима қиламан. Қўлимдан хўкизимни олиб қўйишаётган бир пайтда томоғимдан овқат ўтармиди», дедм.

— Жуда соз, энди сизлар ҳам уйларингга боринглар, эрталаб келасизлар,— деди амир.

Эрталаб ҳамма йиғилгандан кейин амир кеча кўр билан соғга овқат берилган ндиш-товоқни келтиришларини буюрди. Ҳамма кўрнинг овқатни батомом еб қўйганини, соғлом эса овқатга қўл ҳам урмаганини кўришди.

— Ҳой одамлар, соғ хўкизнинг эгаси экан,— деди у.—Чунки у хўкизимни тортиб олишяпти деб ташвишланганидан овқатга қўл ҳам урмаптн. Кўр овқатни паққос туширибди. Бориб, уларни олиб келинглар. Эсларингда бўлсин, кўр олган нарсаларимни саккиз қопга жойлаганман деди, қопнинг тўққизталигини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Кўр билан соғни олиб келишди. Соғдан сўрашди:

— Хўш, сиз гапиринг-чи!

— Бозорга борнб ҳарид қилдим,— дедн у.— Кўр қопни саккизталигини айтди, мен эса тўққизта деяпман. Тўққизинчи қопда дорнвор ўт бор. У катта қопларнинг тагидалиги учун кўр уни пайқамадн. Бошқа қопдагилар ҳммалигини у мендан сўраб билиб олган эди.

— Ёлғон, қоп саккизта,— деб бақирди кўр.

— Умрнинг узоқ бўлсин, амир,— деди соғ,—айт, тўққизинчи қопни ечиб кўрмшсин.

Қопни ечишди. Унинг ичида ҳақиқатдан ҳам дорнвор ўт борлигини ҳамма кўрди.

— Сен кўр ёлғон гапиряпсан,—деди амир.— Сенга овқат олиб борган хизматкорлар сенинг ишингг бошланиши ёмон эмас, овқатларнинг ҳаммасини еб-ичажагингни ва эрталаб хўкизга эга бўламан деганингни эшитишган. Соғ бўлса овқатга қўлини ҳам урмаган, Жаллод, кўрни ушлаб, ўлдиринглар, у ўғри экан.

—Аммр, уни кечир. У мени алдамоқчи бўлди, лекин унга азоб беришингни хоҳламайман,—дедн соғ.

— Яхши,— дея унга розилик билдирди амир,— кўрни ўлдирманглар. Бўптн соғ, сен хўкизинг билан нарсаларингни олиб кетавер.

Тожибой УНАБОЕВ таржимаси.

АЖОЙИБОТЛАР

Паррандалар ҳам дўстлашди

Уларнинг ҳар иккови—кичкинтой турна билан гоэча етим қолишган эди. Ёрдамга муҳтож турначани Чукотка тундрасида топиб олиб қорнини тўйдиришди. Унга тиббий ёрдам кўрсатишди. Шундай қилиб турна шимолий жойдаги посёлкада турғун бўлиб ўсди. Парранда одамларнинг саҳийлигига ўрганиб қолди.

Ёввойи гоэчани қурувчи техник Раиша Статут боқиб олди. Кунлардан бирида сайр пайтида ёш паррандалар учрашиб қолишди. Танишишди-да, дўстлашиб кетишди. Шундан буён улар ҳамиша бирга. Биргаликда тундрада қўзиқорин ва мева топиб егани жўнашади, посёлкадаги итларга икковларининг тумшуғи бир бўлиб зарба беради.

Е. ДЕНИСОВ,
ТАСС мухбири.
Магадан.

Чўпонларга бўрсиқлар ёрдамга келди

Чу дарёсининг шимолий тарафидаги яйловларни ўзлаштиришда чорвадорларга тўдатўда бўлиб юрган бўрсиқлар ёрдамлашди. Бу воқеа шундай содир бўлди: дарёга яқин жойда ва ўт-ўлани қалин бўлган бу водийни чўпонлар узоқ вақтгача четлаб ўтардилар. Бу ерда жониворлар учун ҳам, одамлар учун ҳам хавфли бўлган илонлар ҳар қадамда учрарди.

Лекин водийга бўрсиқлар келиши биланоқ, энди бу ердан илонлар «четлаб» ўтаётганлигини чўпонлар пайқаб қолишди. Маълум бўлишича бўрсиқлар заҳарли илонларнинг кушандаси экан. Энди қўй подалари бемалол ўтлай олади.

В. ГАНЖА,
(ТАСС мухбири).
Олмаота.



«БИРИ-БИРИДАН ШИРИН».
Ю. Бутусов фотоэтюди.

ЧАҚАЛОҚҚА ТУҲФА

Лермонтов номли драма театрида Ставрополдаги икки юз мингинчи аҳолини рўйхатга олиш маросими бўлди. Электр механика заводининг монтажчиси Нионила Александровна билан милиция ходими Виктор Васильевичнинг ўғли Витя Одинцов Ставрополнинг икки юз мингинчи аҳолиси бўлиб чиқди.

Чақалоқнинг ота-оналарига фарзандларининг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномага табрикнома ва квартирага ордер қўшиб берилди.

Шундан кейин Одинцовлар Ленин номли марказий майдонда чақалоқлар ҳиёбони барпо этишга киришдилар. Бундан кейин шаҳарда туғилган ҳар бир янги чақалоқ шарафига унинг ота-оналари ана шу ҳиёбонга кўчат ўтказадилар.

(ТАСС).

Яхши фазилатли кишиларимиз

Кўнгиллар чароғбони

Иноят ака идорадан алламаҳалда қайтди. Нариданбери чой ичган бўлиб. ўринга чўзилди. Уйқу қаёқда дейсиз. Хаёл жиловсиз от сингари дам ўтмишга, дам бугунги икки ёш ўртасидаги можарога олиб қочади.

—Сабоҳат ҳам ўқимишли, бялимдон. Мактабда бўлса сермулоҳаза. ақлли қизлардан бири эди. Носиржонни ҳам ўзим ўқитдим. Қийинчилик билан ўсган бола. Турмуш қуришганига уч йил бўлибди-ю, арзимаган нарсага кўнгил қолар гаплар. Менчи, мен! Маслаҳатларим зое кетмади. Қупоқларига олиша қолди. Уларнинг ҳаёти ҳавас қилса арзигудек бўлади.

. .Узгаларнинг тотув ҳаётларини, жажжи фарзандларининг кувноқ кулгусини хаёлан кўз олдига келтириб ўзи ҳам уйқуга кетди.

Меҳри дарё. қалби эзгулик билан лиммолим тўлган Иноят ака Юсупов ҳақида фикр юритгудек бўлсак Аҳмад Донишнинг бир ҳикмати ёдимга тушади: «Биров ибодат учун, биров иморат учун дунёга келади».

Дарҳақиқат Иноят ака дунёга инсонларга қўлидан келганича яхшилик қилиб, эзгулик иморатини бунёд этиш учун туғилган. Салкам қирқ йил пешона тери, қалб қўрини сарфлаб тиклаган Иноят ака иморати асло нурамайдиган, юзлаб. ҳатто минглаб инсонларга паноҳ бўладиган иморат эканлиги ҳақиқатдан йироқ эмас, албатта.

Иноят отасидан ёшликда жудо бўлди. Оққорани билмаган бола бировлар эшигида югурдаклик қилди. Қорни нонга, усти киймга ёлчимай ҳаёт кечирди. Яхши одамлар кўмаги билан Шайҳантоҳурда очилган янги мактабда савод чиқарган Иноят бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсида таҳсил кўрди. Ўқитувчи деган шарафли номни олган серҳаракат йигит Тошкентда, республикамизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида ёшларга дарс берди. савод-сизликни тугатишда фаол қатнашди.

1934 йилда Низомий номли Тошкент ўқитувчилар институтини тугатгач, яна янги шогирдлар тайёрлаш ишига сидқидилдан киришган Иноят ака Юсупов 1943 йил август ойидан буён Фрунзе районидаги 73-ўрта мактабда физика-математикадан дарс беради.

Йиллар бамисоли тезоқар дарё экан. Иноят ака Белинский номли кечки педагогика институтини ўз мутахассислиги бўйича тамомлаб, олий маълумот эгаси бўлди. Неча юзлаб йигит-қизлар унинг сабоқларидан баҳраманд бўлиб ҳаётга йўлланма олди.

Ўтган ўқув йилида саккиз-тўққизинчи синфларда математика бўйича Иноят ака тўлиқ ўзлаштириш берди. Улар ҳам жамиятнинг муносиб кишилари бўлиб етишиш арафасида турибди. Шогирдлар муваффақияти устознинг бир олам қувончи эмасми. ахир!

Халқимизда «Яхшидан от қолади» деган нақл бор. Иноят ака ҳам ҳалол меҳнати, яхши фикрлари, тўғри маслаҳатлари билан эл оғзига тушган. У бир неча йиллардан буён Абдулла Авлоний номли маҳалла комитетининг раиси сифатида ҳам иш олиб бормоқда.

Маҳалла иш бошиси, халқ маорифи аълочиси Иноят Юсупов неча-неча тотув оилаларнинг вужудга келтирилишида бош-қош бўлди, маҳалланинг тўй-маъракаларида етакчилик қилди. Унинг маслаҳатлари билан чакки қадамбосарлар тўғри йўл топди, уйсизлар уйли-жойли, ёшлар ҳунар эгаси бўлишди. У раҳбар бўлган маҳалла ободонлашиб бормоқда. Аҳоли ўртасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилиб турилибди. Ёшлардан тортиб кексаларгача уддабурро, ишбилармон раиснинг ишларидан миннатдор.

Салкам қирқ йиллик умрини кишилар онгига, хонадонларга эзгулик нурини сочишга бағишлаган меҳрибон мураббий, дилкаш маслаҳатчи, жонкуяр раҳбар Иноят ака Юсуповга умрбоқийлик ишларида омад тилаймиз.

Қ. МАЛИКОВ,
144-мактаб ўқитувчиси.

✻ ТЕКИНХЎРЛИК. БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Шаҳримизга доғ тушираётганлар

Майда безорилиги учун жазоланганлар

Муҳамедов З. А. 1926 йилда туғилган. 159-қурилиш трестининг 53-бошқармаси слесари. Маст ҳолида уйида жанжал кўтарганлиги учун ўн беш сутка ҳукм қилинди.

Житков Ф. Ф. 1937 йилда туғилган. «Строймеханизация» трести-нинг 3-бошқармаси машинист-кранчиси. Ўз уйида маст ҳолида жанжал кўтариб идиш-товоқларни чил-чил қилгани учун ўн беш сутка-га жазоланди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Бектошев Ш. А. 1948 йилда туғилган, 1-автомобиль комбинатининг ҳайдовчиси.

Валитов В. А. 1-автокомбинат ҳайдовчиси.

Тихоненко И. В. 1926 йилда туғилган. «Миконд» заводининг слесари.

● «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

МУКОФОТДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Газетанинг 27 август сонида Салор станциясининг ишчиси С. Тошматовнинг хушёрхонага тушгани хабар қилинган эди. Тошматовнинг ҳулқи коллектив ўртасида муҳокама қилиниб, у мукофотдан маҳрум этилди.

ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғининг ходими Т. Александрова майда безорилик қилиб қамалгани газетанинг 20 август сонида хабар қилинган эди. Жамоат тартибини қўпол равишда бузган Александрова ишдан четлаштирилди.

ВИГОВОР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Газетанинг 1 август сонида майда безорилиги учун қамалганлар қаторида «Компрессор» заводининг ишчиси С. Кузминский ҳам бўлгани хабар қилинган эди. Бу безорига ҳам қатиқ виговор эълон қилинган.

* * *

11 август сонида эса Чкалов номли завод ишчиси М. Хамидуллининг майда безорилик қилгани хабар қилинган эди. Цех коллективи унинг хулқини муҳокама қилди ва виговор берди.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13ІХ да **Тўй кунида**, 14ІХ да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 13ІХ да **Ўғирланган умр**, 14ІХ да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 14ІХ да **Нурхон**, 15ІХ да **Ўғил уйлантириш.**

Кино

13 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Даҳшат—«СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «НАВОИЙ НОМЛИ», «МОСКВА» (кечқурун).

Поезд—«ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Спартаклиқ 300 баҳодир — «САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Порла, порла менинг юлдузим —«ВОСТОК» (кечқурун).

Парад-алле—«МОСКВА» (кеч 9 да).

14 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Даҳшат—«СПУТНИК» (тоқ соатларда). «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), НАВОЙИ номли (эрталаб соат 10, 11.40 ва кундуз 5.20 минутда).

Яшаш даври—«СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Спартаклиқ 300 баҳодир — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кеч. қурун).

Поезд—«ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Сангам— НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 1 ярим, кеч 7 яримда).

Парад-алле—«МОСКВА» (кундуз соат 12 ва кеч 9 да).

ТОШКЕНТДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН 51-ЎРТА МАКТАБ 2-СИНФДАН БОШЛАБ БИР НЕЧА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ТАЪЛИМ БЕРУВЧИ 1, 2, 3, 4-СИНФ ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА

ҚЎШИМЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар мактабни тугатгандан сўнг ўрта маълумот тўғрисида аттестат олади лар ва француз тилида бемалол гаплаша оладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Носирова кўчаси, 2-проезд, 19-уй (9, 11, 19, 49, 56-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Спутник» кинотеатри бекати).

ТОШКЕНТ ГЎШТ КОМБИНАТИ

ишлаб чиқариш цехларига 17 ёшдан 35 ёшгача бўлганларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

гўшт чопувчилар, колбаса батонларини боғловчилар, сортга ажратувчилар ва мол терисини ажратувчилар, ичакчилар, шприцовчилар, ёғ аппаратчилари, қассоблар.

Ўқиш муддати — 3 ойдан 6 ойгача.

Ўқувчилар — ўқиш даврида иш ҳақи оладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Байнал-Минал кўчаси, 3 уй.

ТЕЛЕВИЗОР

13 ОКТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.00** Кичкинтойлар учун эртаклар. **18.30** «Ахборот» информацион программаси. **18.45** Меҳнатларимиз—спортчилар. Велосипед пойгаси бўйича СССР чемпионатига бағишланган кўрсатув. **19.00** Кино ҳақида суҳбатлашамиз.

Узбек тилида: 20.00 «Ахборот» информацион программаси. **20.15** «Ярим аср йилномаси». Кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильмнинг «1920 йил» ҳақидаги серияси. **21.10** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Фан» программаси. Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади. **21.50** Янгиликлар. **22.00** КПСС XXIV съезди шарафига. «4 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННА УЧУН!». **22.10** ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИ УЧУН КОНЦЕРТ. Алижон Эркаев куйлайди. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 Эстетика асослари. 8—10-синфлар учун. «Санъат ҳақида марксча-ленинча таълимот» (рус тилида). **18.40** Шифокор минбари (ўзбек тилида). **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тилида иккинчи машғулот. **19.25** Сиртдан ўқиётган студентлар учун инглиз тилидан учинчи машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Антуан де Сент-Экзюпери. «Кичик шаҳзода». Телеспектакль. 2-қисм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун эшиттириш. **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** Концерт. **22.25** А. Чехов «Овдаги драма». Телеспектакль. 1-қисм. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Эфирда «Молодость» **00.45** РСФСР композиторлар союзининг пленуми олдидан. Концерт. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Чолғу куйларидан концерт. **20.40** «Тўнғич». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 20.50 «Ғузалик илоҳ». Илмий-оммабоп фильм. **21.10** «Михаил Ломоносов». Бадиий фильм.

14 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Болалар учун концерт.

Узбек тилида: 18.30 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **18.45** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. «Янги марралар». Саноат ходимларига бағишланган кўрсатув. **19.00** «Ахборот» информацион программаси. **19.15** Чирчиқ пойафзал фабрикаси мадаиият уйи татар ансамблининг концерти. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Қишлоқ саҳнасида. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун. «Моҳир қўллар—70». **21.30** «Эталон». Тележурнал. **22.00** Концерт. **22.10** А. Чехов. «Овдаги драма». Телевизион спектакль. 2-қисм. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Кинофильм. **01.15** Рангли телевиденне. «Украина санъат усталари». **02.15** «Бу ердан Аму оқади». Тошкент телевиденне студияси ишлаган телевизион ҳужжатли фильм. **02.45** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

РАДИО

13 ОКТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 Миртемир. «Сурат». Радиокомпозиция (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **18.00** «Шаҳарликлар — «заигори кема» рулларида» (русча). **18.10** Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Куйлардан қўшиқларга. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **20.50** Куйлар. **21.00** Халқаро мавзуларда, суҳбат. **21.10** Пахта йиғим-терими илғорлари учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун концерт (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ҳаётга муҳаббат» радиокомпозицияси (ўзбекча). **19.30** «Лазги» ансамблининг концерти. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** И. Буланов. «Байкал гимнологлари» (русча). **21.00** Назармат. «Умр ҳикояси» поэмаси асосида композиция. **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Б. Бокесер. «Самарқанд дебочаси» радиопостановкаси (русча).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

ССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва натта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 4 бет. 13 ОКТЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3130. Р—04463.